



МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯЛАШ САМАРАДОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Насурова Камолахон Равшановна

Тошкент давлат иқтисодийёт университети, DSc доценти,

Тошкент Ўзбекистон. Email: www.nasurovkr1975@mail.ru

ORCID:0000-0001-8149-9875

IMPROVING FINANCIAL CONTROL AND ECONOMIC ANALYSIS MECHANISMS TO ENSURE THE EFFICIENCY OF FINANCING IN PRESCHOOL EDUCATION INSTITUTIONS

Nasurova Kamolkhon Ravshanovna

Associate Professor (DSc) of

Tashkent State University of Economics,

Tashkent, Uzbekistan

Аннотация:

Мазкур тадқиқотда мактабгача таълим ташкилотларини молиялаштириш самарадорлигини оширишда молиявий назорат ва иқтисодий таҳлилнинг ўрни ва аҳамияти атрофлича таҳлил қилинган. Мактабгача таълим тизими жамиятнинг барқарор ривожланишига ва инсон капитали шаклланишига бевосита таъсир этувчи стратегик секторлардан бири бўлиб, унинг молиявий таъминоти ва сарф-харажатларини самарали бошқариш давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Тадқиқотда мактабгача таълим ташкилотларини молиялаш манбалари, бюджет маблағларини тақсимлаш усуллари, уларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлаш механизмлари ўрганилган. Шунингдек, молиявий назорат воситалари, унинг шакллари ва услублари, айниқса, ички ва ташқи аудит тизимининг самарадорлигига эътибор қаратилган.

Иқтисодий таҳлил методлари орқали мактабгача таълим ташкилотларининг молиявий кўрсаткичлари баҳоланиб, уларнинг

харажатлар самарадорлиги таҳлил қилинган. Айниқса, ресурслар тақсимоти, фойдаланиш самарадорлиги ва харажатларни оптималлаштириш имкониятларига алоҳида эътибор берилган. Шу асосда молиявий самарадорликни оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари мактабгача таълим ташкилотларида молиявий бошқарувни такомиллаштириш, бюджет маблағларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, молиявий назоратни кучайтириш ҳамда иқтисодий таҳлил воситаларини самарали жорий этиш орқали таълим сифати ва барқарорлигини оширишга хизмат қилади.

Abstract:

In this study, the role and importance of financial control and economic analysis in increasing the efficiency of financing of preschool education organizations is analyzed in detail. The preschool education system is one of the strategic sectors that directly affects the sustainable development of society and the formation of human capital, and effective management of its financial support and

expenses is one of the priorities of the state's socio-economic policy.

Sources of funding of preschool education organizations, methods of allocation of budget funds, mechanisms of ensuring their purposeful and effective spending were studied in the research. Also, attention is paid to the financial control tools, their forms and methods, especially the efficiency of the internal and external audit system.

Financial indicators of pre-school education organizations were evaluated and their cost efficiency was analyzed by means of economic analysis methods. Special attention was paid to the possibilities of resource allocation, efficiency of use and cost optimization. On this basis, proposals and recommendations aimed at increasing financial efficiency have been developed.

The results of the research serve to improve the quality and stability of education by improving financial management in preschool educational organizations, purposeful and rational use of budget funds, strengthening financial control and effective introduction of economic analysis tools.

Калит сўзлар:

мактабгача таълим, молиявий назорат, иқтисодий таҳлил, молиялаштириши самарадорлиги, бюджет маблағлари, харажатлар таҳлили, ички аудит, ташқи аудит, ресурсларни бошқариш.

Key words:

preschool education, financial control, economic analysis, financing efficiency, budget funds, cost analysis, internal audit, external audit, resource management.

Кириш

Сўнгги йилларда мамлакатимизда давлат молиясини бошқариш ва назорати тизимини тубдан такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли институционал ва тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мазкур ислохотлар давлат бюджети маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, бюджет жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назорати механизмларини ривожлантиришни ўз ичига олади. Давлат молиявий ресурсларининг чекланганлиги шароитида улардан мақсадли, тежамкор ва самарали фойдаланиш масаласи алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бюджет тизимидаги ислохотлар доирасида бюджетдан молиялаштириш, ҳисоб ва ҳисобот юритиш механизмларини такомиллаштириш, вазирлик ва идоралар ҳамда улар тасарруфидаги бюджет ташкилотларида бюджет интизомини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, молиявий бошқарув жараёнларида масъулият ва ҳисобдорликни ошириш, маблағларни ноқонуний, самарасиз ёки нотўғри йўналтириш ҳолатларининг олдини олиш давлат молиявий сиёсатининг устувор вазибаларидан бири сифатида белгиланмоқда.

Айни пайтда давлат молиявий назорати тизимини замонавий ахборот технологиялари асосида қайта шакллантириш, халқаро эътироф этилган молиявий назорат ва аудит стандартларини жорий этиш орқали бюджет қонунчилиги бузилишларини аниқлаш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг олдини олиш ва профилактика қилишга қаратилган ёндашувни кучайтириш муҳим аҳамиятга эга. Бу эса давлат молиявий назоратининг фақат текширувчи эмас, балки бошқарув самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи стратегик механизм сифатидаги ролини қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Молиявий назорат органлари бюджет ташкилотлари томонидан белгиланган молиявий қоидалар, тартиб-таомиллар ва бюджет чекловларига қатъий

риоя этилишини таъминлашда муҳим ўрин тутди. Уларнинг фаолияти бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, фискал интизомнинг сақланиши, ортиқча ва самарасиз харажатларнинг олдини олишга қаратилган бўлиб, давлат молияси барқарорлиги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланиш учун мустаҳкам молиявий асос яратади.

Шу нуқтаи назардан, давлат молиявий назоратининг амалий самарадорлигини ошириш, унинг иқтисодий таҳлил билан уйғунлигини таъминлаш ҳамда бюджет ташкилотлари фаолиятини баҳолашда таҳлилий ёндашувларни кенг қўллаш илмий ва амалий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Материал ва метод

Ушбу тадқиқотда мактабгача таълим ташкилотларининг молиялаштириш самарадорлигини оширишда молиявий назорат ва иқтисодий таҳлил усулларидан фойдаланиш амалиёти ўрганилди. Тадқиқотда асосий маълумот манбалари сифатида қуйидагилардан фойдаланилди:

- Ўзбекистон Республикасининг мактабгача таълим тизимида оид қонун ҳужжатлари, давлат дастурлари ва меъёрий ҳужжатлари;

- Давлат бюджетидан мактабгача таълимни молиялаштириш бўйича расмий маълумотлар ва статистик ҳисоботлар;

- Жаҳон банки, ЮНИСЕФ, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) ва бошқа халқаро ташкилотларнинг мактабгача таълимни молиялаштириш бўйича тавсиялари ва тадқиқот материаллари;

- Мактабгача таълим ташкилотларида амалга оширилган молиявий назорат натижалари ва аудиторлик хулосалари;

- Иқтисодий таҳлил орқали олинган статистик ва иқтисодий маълумотлар.

Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини ривожлантиришнинг молиявий

механизмини такомиллаштиришга йўналтирилган қатор тадқиқотлар хорижий иқтисодчи олимлардан М.М.Янсон, Д.А.Жирикова, З.А.Бабугоева, Г.Ф.Ксендзова, С.В.Митросенко, Н.М.Шкляева, Ю.А.Скоробогатова, А.В.Суворова, И.В.Казанская, С.В.Ямщиков ва бошқалар томонидан амалга оширилган.

Ўзбекистонда мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини молиялаштириш, мазкур жараёнда бюджет маблағларидан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш жараёнлари, А.Ф.Абдуллаев, М.Т.Хайдаров, Х.Б.Назаров, М.А.Шарапова, К.Ю.Эрназаров, Г.А.Касимова ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий назорат органлари мустақил аудит ўтказиш ва бюджет ташкилотларининг молиявий фаолияти бўйича батафсил ҳисоботларни тақдим этиш орқали шаффофликни таъминлашга ҳисса қўшади. Бу ҳисоботлар кўпинча жамоатчиликка тақдим этилади, бу эса молиявий операцияларнинг шаффофлигини оширади ва аҳолининг давлат маблағлари қандай бошқарилишига ишончини оширади.

Бюджет ташкилотларининг молиявий амалиёти ва бюджет ижросини баҳолаш орқали молиявий назорат органлари такомиллаштириш йўналишларини аниқлашга ёрдам беради. Ушбу маълумотлар ресурсларни тақсимлашни оптималлаштириш учун ишлатилиши мумкин, бу эса маблағларнинг энг муҳим таъсир кўрсатадиган ва жамоатчиликка фойда келтирадиган дастур ва ташаббусларга йўналтирилишини таъминлайди.

Бюджет ташкилотлари молиявий бошқарувни тартибга солувчи турли қонун ва қоидаларга риоя қилишлари керак.

Молиявий назорат органлари ушбу ташкилотларнинг қонун талабларига мувофиқлигини текширишда муҳим роль ўйнайди, ҳуқуқий муаммолар ва улар билан боғлиқ жазоларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, бюджет ташкилотларининг самарали фаолият юритиши учун молиявий назорат органларининг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Улар давлат маблағларидан масъулият билан фойдаланишни таъминлайди, молиявий ножўя ҳолатларнинг олдини олади, ташкилотларнинг жавобгарлигини оширади, шаффоқликни таъминлашга ҳисса

қўшади, пировардида аҳоли ишончини ва бюджет ташкилотларининг ўз олдига қўйилган вазифаларни бажариш ва жамият манфаатларига хизмат қилишдаги муваффақиятини мустаҳкамлайди.

Келинг энди буни таҳлиллар асосида кўриб чиқсакда, олиб бораётган илмий тадқиқотимиз бўйича натижаларимизни шакллантиришда фойдалансак. Биз қуйида келтирилган 4.3-жавдалда Давлат бюджет ташкилотларида 2020-2023 йилларда аниқланган молиявий хатолик ва камчиликларнинг ўсиш динамикасини келтириб ўтганмиз.

1-жадвал

Давлат бюджет ташкилотларида 2020-2023 йилларда аниқланган молиявий хатолик ва камчиликлар ўсиш динамикаси¹, (млн. сўм)

Кўрсаткичлар	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
Молиявий хатоликлар	142591,9	245956,4	1072120	974882
шундан:				
Пул маблағлари ва моддий бойликларни камомати ва ўзлаштиришлар	30348,6	81354,2	124562	166391
Ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар	112243,3	164602,2	947558	808491

Маълумотлардан аниқланган молиявий хатолик ва камчиликлар 2020 йилда 142591,9 млн. сўмни, 2021 йилда 245956,4 млн. сўмни, 2022 йилда 1072120 млн. сўмни ва 2023 йилда 974882 млн. сўмни ташкил этганлигини кўришимиз мумкин. Шундан пул маблағлари ва моддий бойликларни камомати ва ўзлаштиришлар билан боғлиқ молиявий хатоликлар 2020 йилда 30348,6 млн. сўмни, 2021 йилда 81354,2 млн. сўмни, 2022 йилда 124562 млн. сўмни ва 2023 йилда 166391 млн. сўмни ташкил этган бўлса, ноқонуний харажат ва ортиқча тўловлар билан боғлиқ молиявий хатолик ва камчиликлар 2018 йилда 52495,2 млн. сўмни, 2020 йилда 112243,3 млн.

сўмни, 2021 йилда 164602,2 млн. сўмни, 2022 йилда 947558 млн. сўмни ва 2023 йилда 808491 млн. сўмни ташкил этганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Ушбу камоматлар молиявий хатоликлар, камчиликлар ва ўғирликлар натижасида вужудга келган. Таълим тизимидаги ислохотларга ёрдам мақсадида тузилган молиявий фонд маблағларидан 21 млрд. сўм самарасиз тадбирларга сарфланган. Шунингдек, халқаро молия ташкилотлари томонидан таълимни қўллаб-қувватлаш мақсадида шакллантирилган лойиҳалар маблағларидан фойдаланишда ҳам муайян камчиликларга йўл қўйилган. Давлат молия органлари мутахассислари

¹ Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат молиявий назорати инспекцияси маълумотлари асосида тайёрланган.

фикрига кўра, ажратилган маблағлар сифатсиз мебель сотиб олишга ёки товарларнинг оширилган нархда харид қилишга сарфланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида бюджет маблағларидан таълим муассасаларида самарали фойдаланиш масаласи муҳокама қилинган.

Келтирилган маълумотларга кўра, мамлакатда 2023 йилда 2,5 мингдан зиёд бюджет муассасасида 301 млрд. сўмдан ортиқ бюджет маблағлари талон-тарож қилинганлиги, нархларни сунъий ошириш орқали давлат харидларини амалга ошириш ҳолатлари аниқланган.

2-жадвал

Вилоятлар кесимида бюджет маблағларини асосиз сарфлаш, (млрд. сўм)²

1.	Қашқадарё	14.1
2.	Андижон	12.8
3.	Фарғона	11.1
4.	Сурхондарё	10.6
5.	Наманган	9.9
6.	Жиззах	9.8
7.	Самарқанд	9.2
8.	Тошкент вил.	6.5
9.	Хоразм	4.2
10.	Тошкент ш.	9.8
11.	Қорақалпоғистон Рес.	6.1
	Республика бўйича	104.1

Мамлакатимизда ижтимоий иқтисодий тараққиётда муҳим роль ўйнаётган таълим тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, қонунлар талабига асосан харажат қилиш, жараёнини илмий асосда ўрганиш амалий аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам, мақолада давлат молиявий назорати таълим жараёнида бюджет маблағлари самарадорлигини оширишнинг мазмуни ва моҳияти, мақсадига аниқлик киритилди.

Тадқиқот давомида, давлат молиявий назоратининг асосий йўналишлари ва ривожланиш тенденциялари асосланди. Шунингдек, давлат молиявий назоратининг таълим соҳасидаги ташкилий тизимини янада мукамаллаштиришга доир

хулосалар, таълим муассасаларида комплекс мониторинг олиб бориш ишини ташкиллаштиришга доир илмий асосланган таклифлар берилди.

Шу муносабат билан: биринчидан, таъкидлаш лозимки, давлат молия тизимида таълим муассасалари молиявий фаолиятини мунтазам ўрганиш, назорат қилиш бўйича ташкилий тизимни шакллантириш зарур; иккинчидан, таълим тизимига сарфланган молиявий харажатларни назорат қилиш учун ўтказилган текшириш ва таҳлилларнинг шаффофлигини, объективлигини ва сифатини таъминлаш зарур; учинчидан, таълим муассасалари молиявий фаолиятини мониторинг қилиш жараёнида, унинг асосий мақсади,

² Бюджет маблағлари энг кўп қайси вилоятда асосиз сарфлангани маълум бўлди.
<https://kun.uz/news/2023/11/17/budjet-mablaglari-eng-kop-qaysi-viloyatda-asossiz-sarflanganimalum-boldi>

фаолиятдан кузатилаётган натижалар билан боғлиқ ҳолда олиб бориш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганларидек, 2021 йилда “Мақтабгача таълим қамровини 65 фоизга, 2023 йил охирида эса 75 фоизга етказишимиз керак. Бу ишларга бюджетдан 600 миллиард сўм субсидия бериш ҳисобидан кўшимча равишда 2 мингта нодавлат боғча ташкил этилиб, хусусий сектор улуши 25 фоизга етказилади”³. Таъкидлаш лозимки, тадқиқотнинг долзарблиги, ушбу масалага доир назарий асосларини тадқиқ қилишдаги камчиликлар ва давлат молиявий назоратининг таълим тизимида бюджет маблағлари самарадорлигини ошириш зарурати вужудга келганлиги билан характерланади. Тадқиқотнинг предметини таълим тизимида давлат молия назорати назарияси, методологик асослари ва амалиётига доир масалалар ташкил қилади. Тадқиқотнинг мақсадини, Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим вазирлиги, таълим вазирлиги, олий ва ўрта таълим вазирлиги, молия вазирлиги фаолияти билан боғлиқ манбалар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган давлат молия назорати, яъни таълим тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини тадқиқи ташкил қилади.

Шу муносабат билан қайд қилиш лозимки, таълим тизимида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш жараёнида давлат молия назоратининг назарий асосларини комплекс ўрганиш, унинг яқин келажакдаги имкониятларини асослаш муҳим амалий аҳамиятга эга.

Ҳозирги шароитда, давлат молиявий назоратининг институционал асосларини, ҳуқуқий ва норматив актларни

умумлаштириш ва таҳлил қилиш асосида давлат молиявий назоратининг таълим тизимидаги самарадорлигини оширишга доир тадқиқот ишларини олиб бориш ва таклифлар ишлаб чиқиш зарурати вужудга келди. Таъкидлаш лозимки, давлат молиявий назоратининг методик асосларининг такомиллаштирилиши, таълим тизимида бюджет маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланиш жараёни билан чамбарчас боғлиқдир. Мамлакат тараққиётининг модернизациялашуви давлат молиявий назорати ва нодавлат назорат институтлари билан алоқаларини муқобиллаштириш вазифасини илгари сурди. Шунинг учун ҳам, таълим тизимида бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини аниқлашда, давлат молиявий назорати органлари томонидан ўтказиладиган тадбирларда, нодавлат аудиторларнинг иштироки, уларнинг материалларидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса

Фикримизча, мактабгача таълим хизматлари билан қамраб олиш миқёси ошиб бориши, нафақат болаларнинг баркамол шахс сифатида, балки яширин самарасизликнинг олдини олишга ҳам ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз. Шу боисдан, мазкур хизматларнинг ижтимоий хусусиятини ҳисобга олган ҳолда нодавлат ёки давлат-хусусий шериклик принциплари асосида молиялаш-тирилувчи институтни шакллантиришга кенг урғу бериш мақсадга мувофиқ. Шу боисдан, давлатнинг бош ислохотчи бўлиш тамойили мактабгача таълим хизматларини тижорат хусусиятига эга бўлиб қолмаслигининг олдини олиш тадбирлари билан ўз ифодасини топиши лозим.

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

Бюджет маблағларининг асосларини кафолатлаш; давлат чегараланган хажми доирасида стандартларига асосан мактабгача таълим мактабгача таълим хизматларини хизматларини молиявий таъминлаш хажми таъминлашда сметали усулдан кўра, етарлилиги ва асосланганлиги; мактабгача нормативли усулга ўтиб бориш тенденцияси таълим хизматларини молиявий таъминлаш маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги; кўпроқ имкон беради. Бу биринчидан, мактабгача таълим хизматларини молиялаштиришнинг ўз вақтида амалга фойдаланилишини таъминласа, оширилиши; иккинчидан, харажатларнинг асосланиши, таъминласа, Мاکтабгача таълим ташкилотларида учинчидан, маблағларнинг етарлилигини тарбияланувчиларнинг психологик таъминлаш, тўртинчидан, муассасалар ҳолатини мустақкамлаш ва уларнинг ўртасида рақобат муҳитини муассасада бўлиш даврида малакали хизматни таъминлаш учун тарбиячи-шакллантиришга замин ҳозирлайди. методист лавозимини жорий этишда гуруҳлар мавжудлигига боғлаш амалиёти асосида штатлар жадвалини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Мактабгача таълим ташкилотларида молиявий фаолиятни амалга оширишни таъминлаш лозим: мактабгача таълим хизматлари билан таъминлашнинг ҳуқуқий

асосларини кафолатлаш; давлат стандартларига асосан мактабгача таълим хизматларини молиявий таъминлаш хажми таъминлашда сметали усулдан кўра, етарлилиги ва асосланганлиги; мактабгача таълим хизматларини молиявий таъминлаш маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги; мактабгача таълим хизматларини молиялаштиришнинг ўз вақтида амалга оширилиши;

Мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларнинг психологик ҳолатини мустақкамлаш ва уларнинг муассасада бўлиш даврида малакали хизматни таъминлаш учун тарбиячи-методист лавозимини жорий этишда гуруҳлар мавжудлигига боғлаш амалиёти асосида штатлар жадвалини шакллантириш мақсадга мувофиқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 8 maydagi «O‘zbekiston Respublikasi maktabgacha ta’lim tizimini 2030 yilgacha rivojlantirish Konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida»gi PQ-4312-sonli Qarori.
2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 30 sentabrdagi «O‘zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta’lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to‘g‘risida» PQ-3305–son Qarori.
3. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 30 sentabrdagi «Maktabgacha ta’lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi PF-5198-sonli Farmoni.
4. O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Qonun hujjatlari ma’lumotlari milliy bazasi. <https://lex.uz/docs/20596>.
5. Law of the Republic of Uzbekistan "On preschool education and upbringing" 14.12. 2019.
6. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. PP-2707 dated December 29, 2016 "On measures to further improve the system of preschool education in 2017-2021". [Electronic resource]. Access mode: <http://lex.uz/docs/3090103> (date of access: 12/29/2016), free. - Zagl. from the screen.
7. Malikov T, Olimjonov O. Moliya. Darslik.– T.: "Iqtisod-Moliya" 2019. – 800 b.